

Хофиз ибн Асокир Абдуллох ибн Масъуд хакида шундай ривоят килади: «Абдуллох ибн Масъуд вафот этиши арафасида бетоб бўлиб колди. Усмон ибн Аффон унинг зиёратига келиб: «Нимадан шикоятинг бор?» деб сўради. Ибн Масъуд: «Гунохларимдан», деди. Усмон ибн Аффон: «Нимани хохлайсан?» деб сўради. Ибн Масъуд: «Роббимнинг рахматини», деди. Усмон ибн Аффон: «Сенга табиб буюрайми?» деди. Ибн Масъуд: «Табиб (яъни Аллох) мени бетоб килди», деб жавоб килди. Усмон ибн Аффон: «У холда сенга хадя буюртирайми?» деб сўради. «Унга хожатим йўқ», деди Ибн Масъуд. Усмон ибн Аффон: «Сенда хожат бўлмаса, сендан кейин кизларингга колади», деди. Ибн Масъуд бунга жавобан: «Кизларимнинг камбагал бўлиб колишларидан кўркакпанми? Мен уларга хар кечада Вокеа сурасини ўқишни буюрганман. Чунки Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг: «Кимки хар кечада Вокеа сурасини ўқиса, зинхор кашшокликка учрамайди», деганларини эшитганман», деб жавоб берди».

Машхур сахоба Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху) вафот этиш арафасида касалликка чалинган эди. Усмон ибн Аффон (розияллоху анху) унинг зиёратига келиб, хол-ахвол сўрагач, Абдуллохга караб: «Нимадан шикоятинг бор?» Яъни сени нима безовта келяпти, нимадан хавотирдасан? деб сўради. Ибн Масъуд унга гунохларидан кўркиб турганини маълум килди. Бу эса Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху)нинг ўта такводор, иймонда пешкадам кишилардан бўлганини, айти пайтда гунохлари туфайли Аллохнинг азобига гирифтор бўлишдан кўркаётганини билдиради. Аксарият холларда бемордан нима шикоятингиз бор, деб сўралса, у ерим огрияпти, бу ерим огрияпти, бу нарсани егим келяпти, у нарсани егим келяпти, деб кўп нарсаларни талаб килади. Аммо Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху) дунёдан охиратни афзал кўрган холда гунохларидан шикояти борлигини маълум килди.

Шикояти факат гунохларидан эканини билган Усмон (розияллоху анху) ундан: «Нимани хохлайсан?» деб сўради. Ибн Масъуднинг беморлигини хисобга олиб, унинг нима хохлашини, нафси нимани истаётганини сўраган эди, Абдуллох: «Роббимнинг рахматини», деб жавоб берди. Яъни Роббим Аллохнинг рахматини, У Зот гунохларимни кечириб, жаннатига киритишини хохлайман.

Бундан маълум бўладики, Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху) ўлими арафасида хавф ва ражо орасида бўлган – Аллохнинг рахматидан умид килиб, азобидан хавфда бўлган.

Усмон ибн Аффон (розияллоху анху): «Сенга табиб буюрайми?» деб сўраганида, Абдуллох буни инкор килиб, уни Аллох таоло имтихон килаётгани ва бунга чиройли сабр килишини айтди.

Хамма таклифларини рад килгач, Усмон (розияллоху анху) Абдуллох (розияллоху анху)га: «У холда сенга хадя буюртирайми?» Яъни сенга совга олиб келишларини амр килайми, деганида хам у: «Унга хожатим йўқ», деди. Усмон ибн Аффон Абдуллохга: «Сенинг хожатинг бўлмаса хам, мен берган хадя ва совгалар кизларингга мулк бўлиб колади», деганида, Абдуллох ибн Масъуд: «Кизларимнинг камбагал бўлиб колишларидан кўркакпанми? Мен уларга хар кечада Вокеа сурасини ўқишни буюрганман. Чунки Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)нинг: «Кимки хар кечада Вокеа сурасини ўқиса, зинхор кашшокликка учрамайди», деганларини эшитганман», деб жавоб берди.

Демак, хар кечада Вокеа сурасини бошидан охиригача ихлос ва тадаббур билан ўқиш

кишини турли хил машаккат, хусусан, кашшокликдан сакланишига, ризки кенгайишига сабаб бўлар экан.

Ибн Маъсуд (розияллоху анху) Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан ривоят килади: «Кимки хар кечада Вокеа сурасини ўқиса, зинхор камбагалликка дучор бўлмайди» (Абу Яъло ва Байхакий «Шуъабул иймон»да ривоят килган. Байхакий ривоятида: «Ибн Масъуд хар кеча кизларини Кахф сурасини ўқишга буюрар эди» жумласини зиёда килган).

Вокеа сураси кенг ризкка сабаб бўлиши хакида бундан бошка ривоятлар хам бор.

Жумладан, Анас ибн Молик (розияллоху анху Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан ривоят килади: «Вокеа сураси бойлик (келтирувчи) сурадир. У (сура)ни ўқинглар ва фарзандларингизга ўргатинглар» (Ибн Мардавайх ривояти).

Яна Анас ибн Молик (розияллоху анху) Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан ривоят килади: «Аёлларингизга Вокеа сурасини ўргатинглар. Зеро, у бойлик (келтирувчи) сурадир» (Дайламий ривояти).

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, хар кечада Вокеа сурасини ўқиш Аллохнинг изни билан банда хаётига фаровонлик олиб келади ва ризки кенг бўлишига омил бўлади.

«Кенг ризк ва барака омиллари» китобидан